

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ АБДУХАКИМ АБДУКАРИМОВИЧ**

**ЁҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИ ХОМАШЁ ЗАХИРАСИНИ БОШҚАРИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on economics sciences**

**Юлдашев Абдухаким Абдукаримович**

Ёғ-мой корхоналари хомашё захирасини бошқаришни  
такомиллаштириш..... 3

**Юлдашев Абдухаким Абдукаримович**

Совершенствование управления сырьевым резервом масложировых  
предприятий..... 25

**Yuldashev Abdukhakim Abdukarimovich**

Improving the management of the raw material reserve of fat-and-oil  
enterprises ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ЮЛДАШЕВ АБДУХАКИМ АБДУКАРИМОВИЧ**

**ЁҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИ ХОМАШЁ ЗАХИРАСИНИ БОШҚАРИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Iqt575 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)). Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зиядуллаев Наби Саидкаримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Гулямов Саидахар Саидахмедович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Хошимов Ақром Абдиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё технологиялари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.1.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «17» 02 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (112 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «03» 02 куни тарқатилди.

(2022 йил «03» 02 даги 5 -рақамли реестр баённомаси).



**М.П. Ошов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Д.М. Маълянова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д.

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қонидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Глобаллашув шароитида ёғ-мой корхоналарининг ўсимлик мойи бозоридаги рақобати ёғ-мой корхоналарини хомашё таъминоти бошқаруви жараёнига ERP (Enterprise Resource Planning) тизимини жорий этишни тақозо этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАОнинг берган маълумотларига кўра, «дунёда 2020 йил мавсумида 586,5 миллион тонна хомашё етиштирилган. Бу 2019 йил мавсумида етиштирилган хомашё ҳажмидан 24,5 миллион тоннага кам. Етиштирилган хомашёни қайта ишлаш ҳисобига 233,6 миллион тонна ўсимлик мойи олинган, бу кўрсаткич 2018 йил мавсумидаги қайта ишланган маҳсулотга нисбатан 8,1 миллион тонна кам»<sup>1</sup>. Дунё аҳолиси истеъмоли учун 241,3 миллион тонна ўсимлик мойи талаб этилиши ҳисобга олинса, ўтган йилда белгиланган меъёрга нисбатан 7,7 миллион тонна кам ўсимлик ишлаб чиқарилган. Шу боис ёғ-мой корхоналари ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга мамлакатларда тармоқнинг мавжуд имкониятларини таҳлил қилиш асосида корхоналар хомашё захирасининг ташкилий-бошқарув тузилишини илғор интеграцион шаклга ўзгартириш асосида мазкур тармоқни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Жаҳон ёғ-мой корхоналарининг хомашё захирасини бошқариш, хусусан, материаллар оқимини бошқариш даромад маркази сифатида, корхона ва хомашё захираларини бошқариш, қайта ишлаш корхоналарида хомашё жойлаштиришни бошқариш, қайта ишлаш корхоналарида хомашё захирасини бошқаришни моделлаштириш, хомашёни қайта ишлаш жараёнини ресурсларни тежаш асосида бошқариш, хомашё етказиб берувчилар ва қайта ишловчи корхоналар билан иқтисодий муносабатлар, хомашё етказиб бериш самарадорлигини ошириш асосида корхоналарни таҳлил қилиш йўналишида қатор илмий изланишлар олиб борилган. Бу жараёнда хомашё таъминоти самарадорлигини ошириш асосида ёғ-мой корхоналарини бошқаришни такомиллаштиришда илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Республикада ёғ-мой тармоғини ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва тайёр маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, хомашё базасининг чегараланганлиги натижасида тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 50 фоиздан ошмаётганлигини кўрсатиб, давлат иштирокидаги ёғ-мой корхоналар фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлиги пасайишига олиб келмоқда<sup>2</sup>. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий тармоқлар фаолиятида давлат иштирокини янада қисқартириш, республика ёғ-мой тармоғининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва соҳага замонавий технологияларни жорий этиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижроси

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/ru>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январданги “Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ4118-сонли қарори.

мамлакатимиздаги ёғ-мой корхоналари хомашё таъминотини бошқариш йўналишларида илмий изланишларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон—2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида», 2020 йил 18 мартдаги ПҚ-4643-сон «Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Корхоналар хомашё захирасини бошқариш масалалари хорижлик олимлар Д.Бауэрсокс, Д.Дейвид Клосс, М.Кристофер, Д.Ламберт, Дж.Сток, Майкл Р. Линдере, Е.Харольд, Ч.Сковронек, Томас Т.Столлкамп, Д.Уотерс, Дж.Хедли, Т.Уайтин, Э.Мате<sup>3</sup> ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

МДХ мамлакатлари олимларидан Б.Аникин, В.Баутин, И.Богомолова, Д.Гаврилов, К.Кузнецов, В.Лукинский, Е.Макаров, Ю.Неруш, В.Николайчук, Б.Плоткин, Ю.Саликов, В.Сергеев<sup>4</sup> ва бошқалар хомашё захирасини бошқариш

<sup>3</sup> Бауэрсокс, Дональд Дж., Клосс, Дейвид Дж. Логистика: интегрированная цепь поставок. – М.: Олимп-Бизнес, 2001. - 640 с., Кристофер, М. Логистика и управление цепочками поставок / Пер. с англ. под общ. ред. В. С. Лукинского. – СПб.: Питер, 2005. -316 с., Сток, Дж. Р., Ламберт Д. М. Стратегическое управление логистикой: Пер. с 4-го англ. изд. – М.: ИНФРА-М, 2005. -797с., Линдере, Майкл Р. Управление снабжением и запасами. Логистика: пер. с англ. /Майкл Р. Линдере, Харольд Е. Фирон. – СПб.: Полиграфуслуги, 2006. -757 с., Сковронек, Ч. Логистика на предприятии: Учебно-метод. пособ. / Ч. Сковронек, З. Сариуш-Вольский /Пер. с польск. – М.: Финансы и статистика, 2004. -400с., Столлкамп, Томас Т. Поставщики: от противостояния к сотрудничеству: [пер. с англ.] /Томас Т. Столлкамп. – М.: Вильямс, 2007. -251 с., Хедли, Дж., Уайтин, Т. Анализ систем управления запасами. – М.: Наука, 1969. -512 с., Уотерс, Д. Логистика: Управление цепью поставок: Учебник для студентов экон. специальностей вузов /Д.Уотерс; Пер. с англ. В.Н. Егорова. – М.: ЮНИТИ, 2003. -503 с., Хедли, Дж., Уайтин, Т. Анализ систем управления запасами. – М.: Наука, 1969. -512 с.; Мате, Э. Материально-техническое обеспечение деятельности предприятия Текст. / Э. Мате, Д. Тиксье. Пер. с франц. / общ. ред. В. С. Загашвили. – М.: А/О Издательская группа «Прогресс», 1993. - 160 с.

<sup>4</sup> Аникин Б.А. Высший менеджмент для руководителей/Б. А. Аникин. – М.: ИНФРА-М, 2003. -161 с., Баутин,

масаласини тадқиқ қилишга муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда корхоналарни хомашё захирасини бошқаришнинг айрим муаммолари Н.Йўлдошев, Я.Карриева, Д.Рахимова, Ш.Зайнутдинов, Д.Суюнов, А.Хашимов, Ш.Эргашходжаева, А.Фаттахов, Т.Акрамов, М.Эшов, Г.Абдурахманова<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.

Юқорида келтирилган хорижлик ва мамлакатимиз олимлари корхонанинг хомашё захирасини бошқариш соҳасида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борганлар. Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга хомашё етказиб бериш самарадорлигини ошириш усуллари билан боғлиқ муаммолар ҳамда ишлаб чиқаришни хомашё таъминоти самарадорлигини ошириш асосида корхона бошқарувини такомиллаштириш масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Бу эса мазкур диссертация тадқиқотининг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-154 рақамли «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2017-2020 йиллар) доирасида бажарилган.

---

В.М. Организация нормирования производственных ресурсов на предприятиях пищевой промышленности [Текст]: учеб. пособие / В. М. Баутин, И. И. Емцова, И. В. Баутин, Воронеж, гос. технол. акад. – Воронеж: ВГТА, 2006, -404 с.; Богомолова, И. П. Организационно-экономические аспекты устойчивого развития предприятий на основе ресурсосбережения (на примере масложировых предприятий Воронежской области)/ И. П. Богомолова, О. М. Пасынкова. – Воронеж: ВГУ, 2004. - 200 с., Гаврилов, Д. А. Управление производством на базе стандарта MRP II. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2008. - 416 с.; Кузнецов, К. В. Настольная книга поставщика и закупщика: торги, конкурсы, тендеры /К. В. Кузнецов. – М.: Альпина паблишер, 2003. - 338 с., Лукинский, В.С.. Варианты решения логистической задачи определения оптимального размера заказа. //Организация международных и внутренних перевозок с применением принципов логистики: Сб. науч. тр. /Редкол.: В.С. Лукинский (отв. ред.) и др. – СПб.: СПбГИЭУ, 2001. - 228 с., Макаров Е.И., Волкова Д.К. Совершенствование формирования цепей поставок материально-технических ресурсов на предприятиях строительной отрасли / Макаров Е.И., Волкова Д.К. – Воронеж: ООО «Новый взгляд», 2006.-183 с., Неруш, Ю. М. Логистика в схемах и таблицах:учебное пособие/ Ю. М. Неруш; Моск. гос. ин-т междунар. отношений (Ун-т). – М.: Проспект, 2007. -185 с., Николайчук В.Е. Заготовительная и производственная логистика: Учеб, пособие /В.Е.Николайчук. – СПб.: Питер, 2001. - 160 с., Плоткин, Б. К. Экономико-математические методы и модели в управлении материальными ресурсами: Учеб.пособ. / Б. К. Плоткин. – СПб.: Изд-во СПб.ун-та экономики и финансов, 1992. -64 с., Саликов Ю. А. Основы отраслевых технологий и организации производства: учебно-метод. пособие. –Воронеж, 2004. -324с., Сергеев, В. И. Менеджмент в бизнес-логистике. – М.: Филинь, 1997. -772 с.

<sup>5</sup> Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. – Т., 2005. - 140 б.; Карриева Ё.К. Инновацион логистика. Дарслик. – Т.: 2020 йил., 143 бет.; Рахимова Д.Н., Зайнутдинов Ш.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Akademiya, 2007. –312 б.; Суюнов Д.Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2008. – 261 б.; Хашимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмарнинг ривожланиш истикболлари. – Т.: Фан, 2003, 91-б; Эргашходжаева Ш. Marketing tadqiqotlari. ўқув қўлланма. – Т.: TDIU, Iqtisodiyot, 2019 – 143 б. Фаттахов А.А. Стратегия маркетинга в оптовой торговле и пути повышения ее эффективности. Монография. – Т.: Фан, 2005. - 179 с., Акрамов Т. Корхонани бошқаришда бизнес жараёнлар стратегиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Т., 2-сон, 2017 йил, М. Эшов Ўзбекистон экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг зарурияти // Макроиктисодий муаммолар, 2015. Республика илмий-амалий конференцияси. Илмий мақолалар ва маърузалар тўплами. – Т.: ТДИУ, 2015. – 334-336 б., Абдурахманова Г. Efficiency of Innovative Development of Agricultural Business in the Republic of Uzbekistan. International Journal of Academic Engineering Research (IJAER). Vol. 4, Issue 8, August – 2020, Pages: 1-3

**Тадқиқотнинг мақсади** ёғ-мой корхоналари хомашё захирасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёғ-мой корхоналари бошқарув самарадорлигини оширишда хомашё ресурсларининг ўрни ва аҳамиятини изоҳлаб бериш;

корхонанинг хомашё таъминотини амалга оширишнинг замонавий концепцияларини таҳлил қилиш;

корхона фаолиятини самарали бошқаришда хомашё билан таъминлашнинг хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

хомашё таъминоти орқали ёғ-мой корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил қилиш;

ёғ-мой корхоналарида бошқариш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

корхонанинг хомашё захираларини аниқлашни механизмларини такомиллаштириш;

ёғ-мой корхоналарини хомашё билан таъминлаш натижасида бошқарув самарадорлигини эконометрик баҳолаш;

ёғ-мой корхоналарида хомашё захирасини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш;

ёғ-мой корхоналари хомашё захирасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси таркибидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» кўшма корхона шаклидаги АЖ ҳамда хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖ корхоналари фаолияти танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** корхонанинг хомашё захираси бошқарувини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш, синтез, таққослаш, статистик таҳлил, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик усуллар билан моделлаштириш ҳамда эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда импорт ёғ-мой хомашёси ҳажми учун божхона тўловларини тўлашдан озод қилиш таклиф этилган;

ёғ-мой корхоналарининг хомашё захираларни камайтириш, сақлаш жойлари ва ишлаб чиқариш вақтини қисқартириш, ноишлаб чиқариш операциялари сонини камайтиришда корхона ресурсларини бошқариш (ERP) тизими асосида бошқаришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

«Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини давлат-хусусий шериклик асосида оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;



«Ўзғамойсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар хомашё ресурсларининг хомашё сарфига таъсирини эътиборга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ривожлантирувчи циклик ўзгаришларни қўллаб-қувватловчи PDCA («Plan-Do-Check-Act» - режалаштириш-ҳаракатларни текшириш-созлаш), CEDAC (Cause and Effect Diagram with the Addition of CarDI - Карталарни қўшиш билан сабаб ва таъсир диаграммаси) ва DMAIC (Define, measure, analyze, improve, and control-Аниқлаш, ўлчаш, таҳлил қилиш, такомиллаштириш ва назорат қилиш) тизимлари асосида ёғ-мой корхоналари захираларини аниқлаш, баҳолаш ва улардан фойдаланишда ташкилий-бошқарув жараёнини баҳолаш методикаси ишлаб чиқишган;

корхона таъминотида табиий йўқотиш меъёрларини камайтиришга ва хомашё таъминоти ҳажмини оширишда «маркетинг», «инновацияларни бошқариш» ва «ишлаб чиқаришни режалаштириш» фаолиятлари билан боғлиқлиги илмий асосланган;

эҳтиёжларни режалаштириш дастурлари асосида ресурс таъминотини бошқариш таъсирчан омиллиги исботланган;

ёғ-мой корхонасини хомашё таъминотини бошқаришда JIT (Just-in-time) концепцияси асосида хомашёни етказиб бериш харажатларини тежаш илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қўлланилган илмий-услубий ёндашувлар ва усулларнинг тадқиқот мақсади билан мослиги ҳамда илмий асосланганлиги, таҳлил учун олинган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, шунингдек, олинган натижалардан амалиётда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқариш фаолияти, хомашё захираларини шакллантириш, ресурсларни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда импорт ёғ-мой хомашёси ҳажми учун божхона тўловларини тўлашдан озод қилиш, ёғ-мой корхоналарининг хомашё захираларни камайтириш, сақлаш жойлари ва ишлаб чиқариш вақтини қисқартириш, ноишлаб чиқариш операциялари сонини камайтиришда корхона ресурсларини бошқариш (ERP) тизими асосида бошқариш, «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини давлат-хусусий шериклик асосида ошириш, ишлаб чиқариш жараёнини сифатли хомашё ресурслари билан таъминлаб, ёғ-мой корхоналарини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини шакллантириш ва корхонанинг хомашё захирасини бошқаришни такомиллаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** шундаки, корхонанинг рақобатбардош имкониятларини акс эттирувчи параметрлар тизимидан фойдаланиш асосида бошқарувни такомиллаштириш йўналишлари, ёғ-мой корхонасининг ишлаб чиқариш фаолиятида моддий ва ресурс оқимининг мақбул эконометрик моделлари ёрдамида корхонага хомашё етказиб берувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни танлаш ҳамда эконометрик моделлаштиришнинг илмий-услубий хулосаларидан олий таълим муассасаларида «Логистика», «Менежмент», «Эконометрика» сингари фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланма тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёғ-мой корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишда хомашё бошқарувини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда импорт ёғ-мой хомашёси ҳажми учун божхона тўловларини тўлашдан озод қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига киритилган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 30 июндаги КС/3-639-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг хомашё таъминоти 14,1 фоизга, хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖнинг хомашё таъминоти 12,7 фоизга ошган;

ёғ-мой корхоналарининг хомашё захираларини камайтириш, сақлаш жойлари ва ишлаб чиқариш вақтини қисқартириш, ноишлаб чиқариш операциялари сонини камайтиришда корхона ресурсларини бошқариш (ERP) тизими асосида бошқариш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига киритилган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 30 июндаги КС/3-639-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ ва хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖнинг стратегик ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

«Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини давлат-хусусий шериклик асосида ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига киритилган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 30 июндаги КС/3-639-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши қўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ ва хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖнинг стратегик ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

«Ўзғмойсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар хомашё ресурсларини хомашё сарфига таъсирини эътиборга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 2026 йилгача бўлган прогноз натижалари қўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ ва хорижий инвесторлар иштирокида «Янгийўл ёғ-мой» АЖларнинг фаолиятига жорий этилган («Ўзғмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 30 июндаги КС/3-639-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижаларидан қўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ ва хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖларининг 2026 йилгача мўлжалланган ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ифодаланган 7 та иш апробациядан ўтказилган. Уларнинг 4 таси халқаро илмий-амалий анжуманларда, 3 таси республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференция тўпламларида маъруза тезислари нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 153 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ёғ-мой корхоналарида хомашё захирасини бошқаришнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобда хомашё етказиб бериш жараёнини бошқаришнинг назарий асослари, моҳияти ва тамойиллари, корхонани самарали бошқаришда ресурсларнинг ўрни, хомашё таъминотини ўрганиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда замонавий етказиб бериш концепцияларининг ўрни ва аҳамияти асослаб берилган. Ёғ-мой корхоналари бошқарув тизимини такомиллаштириш бошқарувнинг янги усуллари ҳамда ресурслар назарияси тамойилларини татбиқ этишни тақозо этади.

Муаллифнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт шароитида озиқ-овқат корхоналарининг ўрни сезиларли даражада намоён бўлади. Иқтисодий ислохотлар шароитида ёғ-мой корхоналарини самарали бошқаришда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади.

Корхоналар рақамли иқтисодиётга ўтишда ишлаб чиқариш, маркетинг, таъминот, транспорт, омборхона ҳамда ахборот тизимлари соҳасини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитига мослашишда корхонани янги мақсадларга йўналтириш, ички ва ташқи бозор учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг янги босқичларида турли хил муаммолар юзага келади. Бошқарув жараёнини ташкил этиш мақсадларни белгилашдан иборат бўлиб, унга эришиш учун бошқарув ҳаракатлари имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилувчи вазифаларни белгилаб олишни талаб этади. Ҳар бир корхонанинг ягона мақсади унинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўлиб, кўплаб корхонанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги мақсадлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

бошқаришнинг якуний мақсади ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этиш, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқариш, техник ва технологик базани ривожлантириш орқали корхона фаолиятида фойда ёки юқори даромад олишни таъминлашдан иборат. Корхонанинг рентабеллиги унинг ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолияти самарадорлиги, харажатларни минималлаштириш ва ишлаб чиқариш натижалари – маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш натижасида амалга оширилади.

Корхона менежментининг самараси корхонанинг мавжудлиги учун эмас, балки унинг фаолияти натижаси бўлиб, корхонанинг келгусида муваффақиятли ишлаши учун шарт-шароитлар яратишга мўлжалланган кафолатдир. Чунки фақатгина фойда корхонанинг кейинги фаолияти учун корхонада тўпланиши мумкин бўлган турли хил захира фондларининг ташкил топиши, корхона фаолияти билан боғлиқ хатарларни чеклаш ва енгиш имконини беради. Менежмент фаолият соҳаси сифатида тизим ва унинг қисмларига нисбатан бошқарув муаммоларини ҳал қилишнинг уч даражасини назарда тутган:


1. Бошқариш тизимининг ўзини-ўзи ташкил қилиш, муаммони ҳал қилишни ўз ичига олган макродаража (метаназорат). Бу мақсадларни белгилаш сиёсати, умуман, бошқариш тизимини ривожлантириш стратегияси унинг тузилиши ва қуйи тизимлар функцияларидан иборат.

2. Бошқариш тизими объекти ва объектининг ўзаро таъсири самарадорлигини бошқариш, реал мақсадларга нисбатан умумий бошқарув функцияларини амалга ошириш.

3. Мақсад дарахтининг пастки даражасида жойлашган мақсадларга эришиш учун ёки муайян бошқариш функцияларини амалга ошириш учун бошқарувнинг қуйи тизимлари фаолиятини бошқариш. Бошқарув тизимлари асосий макро, умумий бошқарув ва хусусий бошқарув функцияларидан иборат.

Муаллифнинг фикрича, хомашё таъминоти деганда корхонанинг ташкилий тузилиши ва бошқарув моделлари, таъминотчилар билан ўзаро муносабатлар, ахборот таъминоти, корхонанинг хомашё ресурсига эҳтиёжини самарали қондиришда бошқарув моделларидан фойдаланиш тушунилади. Ривожланган давлатларда хомашё етказиб беришнинг асосий мақсади юқори иқтисодий самарадорликка эга материалларга ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Бироқ бундай мақсадга эришиш бир қатор вазифаларни ҳал қилишга

тўғри келмоқда. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан бу вазифаларнинг қуйидагича умумлаштирилган таснифи келтирилган (1-расм).



**1-расм. Корхонада хомашё етказиб беришнинг вазифа ва функциялари<sup>6</sup>**

Корхонага ресурс етказиб беришнинг ўзига хос муаммолари мавжуд бўлиб, бу муаммолар асосий синфларининг қуйидаги таърифлари келтирилган:

Биринчидан, вақтликлик – ресурс ва бутловчи буюмларни сотиб олишнинг оқилона муддатларини сақлаш. Белгиланган муддатдан олдин сотиб олинган материаллар корхоналарнинг айланма маблағларига қўшимча юкни юклайди ва сотиб олишнинг кечикиши ишлаб чиқариш дастурини бузиши ёки унинг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, корхона эҳтиёжлари учун керакли ресурс миқдори ўртасидаги аниқ мосликни таъминлаш. Етказиб берилган инвентаризация миқдорининг ортиқча ёки етарли эмаслиги айланма маблағлар баланси ҳамда ишлаб чиқариш барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади ва қўшимча равишда баланснинг мақбул ҳолатини тиклашда ортиқча харажатларга олиб келади.

Учинчидан, ресурс сифатини ишлаб чиқариш талабларига мувофиқлиги.

Корхона бошқарувининг ўзига хос функциялари қуйидаги фаолият йўналишлари билан бевосита боғлиқ: корхонани молиявий бошқариш; молиявий ресурсларни ўзлаштириш; улардан фойдаланиш; корхона ликвидлигини бошқариш; маблағларни режалаштириш ва молиявий назорат.

Муаллифнинг фикрича, корхонани бошқаришнинг ўзига хос функциялари уни тизимнинг таркибий қисмлари сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бошқарувнинг асосий таркибий қисмларидан бири керакли ва сифатли хомашёни ажратиш бўлиб, бошқарув функцияларининг хомашёга мос келишини таъминлашдан иборат. Юқорида келтирилган 1-жадвалда муаллиф томонидан корхона бошқарувининг ўзига хос функциялари келтирилган. Мазкур бошқарув функциясининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг асосий фаолият йўналишлари (умумий бошқарув, молиявий бошқарув, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот, маркетинг ва ҳоказо) билан бевосита боғлиқ.

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси

Хомашё таъминотини бошқарувнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этиш керак. Хомашё таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш корхона бошқаруви доирасида амалга оширилади. Корхонани хомашё билан таъминлашнинг асосий масалаларидан бири етказиб берилаётган хомашё сифати ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ички ва ташқи бозорда етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатга қарамай, хомашё сифати муаммоси жуда долзарбдир.

Юқорида келтирилган 1-жадвалда бошқарув функцияларининг хомашё таъминоти функциялари билан ўзаро мувофиқлиги келтирилиб, унда бошқарувнинг умумий хусусиятлари билан хомашё функцияларининг ўзаро боғлиқлиги келтириб ўтилган. Унда:

- прогнозлаш – хомашёга эҳтиёжни аниқлаш ҳамда хомашё захиралари нархини башорат қилиш;
- режалаштириш – корхона стратегиясини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш режасини шакллантириш;
- ташкилий – ишлаб чиқаришни хомашё ресурслари билан таъминлаш;
- бошқарув – корхонада бошқарув тизимини оптималлаштириш;
- мувофиқлаштириш ва тартибга солиш – корхона стратегиясини танлаш, айланма маблағлардан самарали фойдаланиш, харажатларни камайтириш;
- назорат – хомашёни танлаш.

### 1-жадвал

#### Бошқарув функцияларининг хомашё таъминоти функциялари билан ўзаро мувофиқлиги<sup>7</sup>

Бошқарувнинг умумий хусусиятлари	• хомашё функциялари
Прогнозлаш	• хомашёга эҳтиёжни аниқлаш, хомашё захиралари нархини башорат қилиш
Режалаштириш	• корхона стратегиясини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш режасини шакллантириш
Ташкилий	• ишлаб чиқаришни хомашё ресурслари билан таъминлаш
Бошқарув	• корхонада бошқарув тизимини оптималлаштириш
Мувофиқлаштириш ва тартибга солиш	• корхона стратегиясини танлаш, айланма маблағлардан самарали фойдаланиш, харажатларни камайтириш
Нazorat	• хомашёни танлаш

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси

Диссертациянинг «Ёғ-мой корхоналарида хомашё таъминоти бошқаруви самарадорлигининг иқтисодий таҳлили» деб номланган иккинчи бобида жаҳон ҳамда республика ёғ-мой ва хомашё бозорининг бугунги ҳолати ва унинг ривожланиш тенденциялари, ёғ-мой корхоналари томонидан қайта ишланган хомашё, улар томонидан ишлаб чиқарилган ёғ-мой маҳсулоти ҳажми, ёғ-мой корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва корхоналарда хомашё захирасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.




**2-расм. Республика ёғ-мой корхоналари томонидан қайта ишланган айрим турдаги мойли ўсимликлар таркиби<sup>8</sup> (тонна)**

Муаллифнинг фикрича, аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ёғ-мой корхоналарининг хомашё захираси бошқарувини профессионал даражага кўтариш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш қабул қилинди. Мазкур ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислохотлар учун «Йўл харитаси»га айланди. Натижада, республика ёғ-мой корхоналарига қабул қилинган хомашё таркибида ўзгаришлар юзага келади (2-расм).

Юқоридаги расмдан 2015 йилда республика ёғ-мой корхоналари томонидан қайта ишланган мойли ўсимликлар 1607,4 миң тоннани ташкил этиб, ундан 1524,2 миң тонна пахта чигити, 77577 тонна кунгабоқар ва 5620 тонна соя ўсимлиги қайта ишланган. Статистик маълумотлар далолат берадики, 2020 йилда республика ёғ-мой корхоналари томонидан 999,5 миң тонна (2015 йилга нисбатан 524,6 миң тонна кам) пахта чигити, 357,3 миң тонна (2015 йилга нисбатан 279,7 миң тонна кўп) кунгабоқар дони ва 30,6 миң тонна (2015 йилга

<sup>8</sup> Давлат статистика қўматаси маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

нисбатан 24,9 минг тонна кўп ) соя дони қайта ишланганлигини кузатиш мумкин. Қуйидаги 3-расмдан 2015 йилда Ўзбекистон Республикасида жами ишлаб чиқарилган мой маҳсулотлари ҳажми 218,0 минг тоннага яқин ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 89,5 фоизи пахта мойи ҳисобланади.



### 3-расм. Республикада ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган айрим турдаги ўсимлик мой таркиби (тонна)<sup>9</sup>

Юқоридаги расмдан республикада ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган айрим турдаги ўсимлик мойи таркиби таҳлил қилинганда республикага импорт қилинган мой маҳсулотлари 2020 йилда 159,8 минг тоннага тенг бўлиб, асосий импорт қилинган. Бу маҳсулотларнинг 83,4 фоизини кунгабоқар мойи ташкил этган. 2020 йилда республикада 164,6 минг тонна пахта ёғи, 18,2 минг тонна кунгабоқар ёғи ва 3,3 минг тонна соя ёғи ишлаб чиқарилган бўлиб, жами импорт қилинган мой ҳажми 159,8 минг тоннага етиб, бу 2015 йилга нисбатан 109,3 фоизга ортганлигини кузатиш мумкин.

2020 йилда 2015 йилга нисбатан биргина пахта мойини ишлаб чиқариш 5,93 минг тоннага камайиб, 164,6 минг тоннани ташкил этган. Бу эса ўз навбатида, пахта чигити камайиб бораётганлиги, шу билан бирга юқоридаги жадвал билан таққосланса, пахта мойига нисбатан аҳоли талаби ҳам камаяётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Албатта, мамлакат аҳолисининг эҳтиёжини қондириш учун ҳозирги кунда кўплаб товарлар қаторида турли истеъмол мойлари ҳам импорт қилинган.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда аҳолининг кунгабоқар ёғига бўлган талаб кескин ошиб бораётган бир вақтда аҳолини сифатли кунгабоқар ёғига бўлган эҳтиёжини қоплаш учун кунгабоқар экиладиган майдонларни кенгайтириш мақсадга

<sup>9</sup> Давлат статистика қўматаси маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.



мувофик бўлади, бундай хулосага келишни бир неча сабабларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

биринчидан, 2015-2020 йилларда истеъмол қилинган 2281, минг. тонна (пахта ёғи, кунгабоқар ёғи ва соя ёғининг) ўсимлик мойининг 833,6 минг тоннаси яъни 36,5 фоизи кунгабоқар мойига тўғри келади;

иккинчидан, 2015-2020 йилларда импорт қилинган 899,0 минг тонна (пахта ёғи, кунгабоқар ёғи ва соя ёғининг) ўсимлик мойининг 743,9 минг тоннаси яъни 82,7 фоизи кунгабоқар мойига тўғри келади;

учинчидан, 2015-2020 йилларда импорт қилинган 1064 минг тонна (пахта ёғи, кунгабоқар ёғи ва соя ёғининг) мойли экинлар донининг 609,7 минг тоннаси яъни 57,3 фоизи кунгабоқар донига тўғри келганини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, аҳолини сифатли ва арзон ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш, шу билан бирга ёғ-мой корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёғ-мой корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ўсимлик ёғини ишлаб чиқаришда чигит, соя данаги, кунгабоқар, кунжут уруғлари ҳамда бошқа мойли хомашёлар ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда импорт ёғ-мой хомашёси ҳажми учун божхона тўловларини тўлашдан озод қилиш корхоналарни ишлаб чиқариш қувватларини ошишига олиб келади.

Тадқиқот натижасидан келиб чиқиб, муаллифнинг фикрича, кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» кўшма корхонасини ривожлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖда замонавий бошқарув усуллари, маҳсулот таннархини пасайтириш орқали даромадларни ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, корхона бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва тармоқда рақобат муҳитини янада яхшилаш учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб этиш орқали молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

ёғ-мой корхоналарининг 5 йиллик бизнес режаларини (жорий фаолияти, инвестиция лойиҳалари ва уларни молиялаштириш манбалари, шу жумладан халқаро молия бозорлари маблағлари ҳисобидан, молиявий моделини) ишлаб чиқиш;

кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда тармоқда рақобат муҳитини шакллантириш;

давлат томонидан кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖни хусусийлаштиришдан кейин корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлаши ва самарали фаолияти бўйича шарт-шароитларни яратиш тақлиф этилган.

2-жадвада кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ ҳамда хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖ

корхоналарининг 2015-2020 йиллар кесимида иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

**2-жадвал**

**Кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ ҳамда хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖ корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичлари (млн. сўмда)<sup>10</sup>**

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 й.да 2015 й.га нисбатан ўзгариш
<b>кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой» АЖ</b>							
Соф фойда	2296,2	6231	3093,8	2314,6	2592,4	2799,8	121,93
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	10445,8	13130,2	15317,7	17512,8	19151,8	20683,9	198,01
Сотилган маҳсулотлар таннари	46870,6	50721,5	70774,5	81377	84114,7	88320,4	188,4
Даромад солиғи	480,8	593,8	633,4	741,4	833,7	892,1	185,5
Бир-бирлик сотилган маҳсулот тан нархи, сўм	21,73	22,11	24,18	23,62	22,97	24,6	113,1
<b>Хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖ</b>							
Соф фойда	11204	12732	14147	8010	8971,9	9689,7	86,5
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	18077	19028	20030	25560	28372	30641,5	169,5
Сотилган маҳсулот таннари	59297	62418	65703	72450	78970	82918,6	139,8
Даромад солиғи	2272	2392	2518	1244	1062,1	1136,4	50,0
Бир-бирлик сотилган маҳсулот таннари, сўм	21,5	21,9	22,3	22,8	22,3	23,9	111,0

Кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг 2015-2020 йилларда соф фойдаси 2799,8 млн. сўмга (121,9 фоиз), ортган бўлса, хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖнинг соф фойдаси 9689,7 млн. сўмга (13,5 фоиз) камайган, кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушум 20683,9 млн. сўмга (198,0 фоиз), хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми 30641,5 млн. сўмга (169,5 фоиз), кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг сотилган маҳсулотлар таннари 88320,4 млн. сўмга (188,4 фоиз), хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖнинг сотилган маҳсулотлар

<sup>10</sup> «Тошкент ёғ-мой» АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

таннархи 82918,6 млн. сўм (188,5 фоиз), кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ 892,1 млн. сўм даромад солиғини тўлаган бўлса, хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖ 1136,4 млн. сўм даромад солиғини тўлаган.

Кўшма корхона шаклидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг бир-бирлик сотилган маҳсулотлари таннархи 113,1 фоизга ортган бўлса, хорижий инвесторлар иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» АЖнинг бир-бирлик сотилган маҳсулотлари таннархи 111,0 фоизга ортганини кузатиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, коронавирус пандемияси даврида ёғ-мой корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида мавжуд хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини сифатли ва арзон ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлашда ёғ-мой корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёғ-мой корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ўсимлик ёғини ишлаб чиқаришда чигит, соя уруғи, кунгабоқар, кунжут уруғлари ҳамда бошқа мойли хомашёлардан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда импорт ёғ-мой хомашёси ҳажми учун божхона тўловларини тўлашдан озод қилиш мақсадга мувофиқ.

